

ЛОЙИХА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва ностирификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва ностирификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 7-сон, 42-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва ностирификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида Низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив-хуқукий хужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштиурсинлар.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари \_\_\_\_\_ зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш.Мирзиёев**

Вазирлар Махкамасининг  
2016 йил “ ” даги  
—сон қарорига  
ИЛОВА

**Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва  
нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)тартиби тўғрисидаги Низомга  
киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. 5, 8 ва 32-бандлар “ўрта маҳсус” сўzlаридан кейин “касб-хунар” сўзи билан тўлдирилсин.

2. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Хорижий давлатларнинг умумий ўрта таълим босқичлари хужжатларини тан олиш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида, хорижий давлатларнинг тўлиқ ўрта (тўлиқсиз ўрта, ўрта) маълумот олганлик тўғрисидаги хужжатларини тан олиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаларида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан ариза ва маълумот тўғрисидаги хужжатнинг асл нусхаси, унинг нотариал тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси асосида мурожаат қилинган кундан бошлаб энг кўпи билан икки ҳафта муддатда амалга оширилади. Комиссия хulosаси Бошқармага юборилади ва уч кун муддат ичida тегишли қарор қабул қилишга асос бўлади. Комиссиялар бутун ўқув йили давомида фаолият кўрсатади ва ўз иши хақида Бошқармага ҳисобот беради.”

3. 6-бандга қуйидаги 6<sup>1</sup> – кичик банд билан тўлдирилсин:

“6<sup>1</sup>. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаларида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан хорижий давлатларнинг ўрта таълим муассасаларида 10-, 11- ва 12-синфларда таълим олган талабгорларнинг хужжатлари таълим олганлик тўғрисидаги баҳолар табели (маълумотнома) ёки шаҳодатномага асосан тан олинади ва нострификация (эквивалентлигини қайд этиш) қилинади. Бунда ушбу таълим хужжатлари ўрта маҳсус (академик лицей) ёки тўлиқсиз ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига tengлаштирилади ва тегишли гувохнома расмийлаштириб берилади.”

4. 7-банддаги “(«Умид» жамғармаси тавсияси билан, давлатлараро битимлар орқали ва бошқалар)” сўzlари “(Давлатлараро битимлар, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг баённомалари)" сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 9-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Хорижий давлатларда ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш ҳақидаги аризага (2-иловага мувофик) қуидагилар илова қилинади:

хужжат эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг асл нусхаси (ўтилган ўқув курслари ва уларнинг ҳажми, якуний баҳолар, амалиёт, курс ва битирув малака ишлари рўйхати, ўқув жараёнининг бошқа бажарилган талаблари кўрсатилиши лозим);

маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси;

Ариза қабул қилингандан кейин маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг асли ҳужжат эгасига қайтарилади.”

6. 10-банд “(легализация рўйхатида) борлигини текшириб,” сўзларидан кейин “(апостиль қўйилган маълумот тўғрисидаги ҳужжат бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин.

7. 13-банднинг тўртинчи хатбошиси қуидаги мазмундаги тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат Ўзбекистон Республикасида амалда мавжуд бўлган таълим шаклида ўқиб олинган бўлиши;

таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олиниши Ўзбекистон Республикаси билан давлатлараро битимларда кўзда тутилган (кооперация усули ёки мақсадли ўқитиш йўли билан олинган таълим бундан мустасно ) бўлиши зарур.

Белгиланган талабнинг бажарилмаслиги таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олмасликка асос бўлади.”

8. 18-банднинг биринчи хатбошидаги “қабул қилиниши мумкин” сўзлари “қабул қилинади” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. 18-бандда:

биринчи хатбошидаги “қабул қилиниши мумкин” сўзлари “қабул қилинади” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин;

“ўзлаштирилган ўкув фанлари ҳажми ва дарс соатлари миқдори Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартларига мувофиқ белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий ўкув режанинг 55 фоизидан кам қисмини бажарган бўлса;”

маълумот Ўзбекистон Республикаси конунчилигида кўзда тутилмаган ёки ушбу таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича Ўзбекистон Республикасида амалда кўлланилмаётган таълим шаклида олинган бўлса”.

9. 20-банднинг “Хужжат эгаси” сўзларидан кейин “ёхуд унинг нотариал тасдиқланган ишончномага эга бўлган қонуний вакили” сўзлари тўлдирилсин.

10. Қуйидаги мазмундаги 23.<sup>1</sup>, 23.<sup>2</sup> ва 23.<sup>3</sup>-банdlар билан тўлдирилсин:

“23.<sup>1</sup> Эксперт комиссияси хужжатларни экспертизадан ўтказиш натижасида талабгор томонидан тақдим этилган хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларнинг белгиланган талабларга жавоб бериши ёки бермаслиги ҳакида хulosса беради.

Эксперт комиссиясининг хulosаси талабгорларга ёзма равища маълум қилинади.

Ижобий хulosса олган талабгорлар маҳсус синовда иштирок этиш учун Давлат тест марказига маҳсус синовлар ўтказиладиган кунидан камида ўн кун олдин ёзма равища мурожаат қилиши керак.

23.<sup>2</sup> Талабгор хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатини нострификация қилиш учун мурожаат вақтда у таълим олган олий таълим муассасаси халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида (ARWU - Academic Ranking of World Universities, QS University Rankings ва бошқа) биринчи 500 талик рўйхатига киритилган бўлса, у ҳолда мазкур таълим муассасалари битирувчиларининг дипломлари тўғридан-тўғри (маҳсус синовларсиз) нострификацияланади.

Таълим тўғрисидаги хужжатлари тўғридан-тўғри нострификацияланадиган таълим муассасалари рўйхати ҳар йили эълон қилинадиган халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтинги асосида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат тест марказининг қўшма қарори билан белгиланади.

23.<sup>3</sup> Эксперт комиссияси хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги хужжатларини ўрганиб чиқиши жараёнида муайян бир таълим йўналиши (мутахассислик)нинг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларига мос келмаслиги ёки кескин фарқ қилиши аниқланганда ушбу йўналишдаги хужжатларни нострификациялашни тўхтатиш ҳакида Давлат тест марказига таклиф киритиши мумкин.”

11. 24 ва 25 -банdlар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Эксперт комиссияси нострификация учун тақдим этилган таълим хужжатини ушбу Низомнинг 15-бандига мувофик маҳсус экспертизадан ўтказиш натижасида маҳсус синовлар ўтказиладиган фанларни белгилайди ва ушбу тўғрисида Бошқармага таклиф киритади.

Маҳсус синовлар эксперт комиссияси иштирокида ўтказилади.

Маҳсус синовлар натижаларига кўра 55 фоиз ва ундан кам балл тўплаган талабгорларнинг таълим тўғрисидаги хужжатлари нострификациялашга тавсия этилмайди.

Эксперт комиссияси қарорига мувофик маҳсус синовлар натижасига кўра хужжатлари нострификациялашга тавсия этилмаган талабгорлар белгиланган тартибда маҳсус синовларни топшириш учун қайта мурожаат қилишлари мумкин.”

“25. Эксперт комиссияси хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги хужжатларини ўрганиб чиқиб, мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган синовлар натижаларини инобатга олган ҳолда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатни нострификациялашга тавсия этиш ёки тавсия этмаслик тўғрисида хулоса тайёрлайди ва уни Бошқармага тақдим этади.”

12. 26-банд қўйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Давлат тест маркази хорижий таълим муассасаларининг муайян таълим йўналиши (мутахассислиги)нинг мамун-моҳияти бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларига мос келмаслиги ҳоллари аниқланганда, эксперт комиссиясининг таклифи асосида ушбу таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича хужжатларни нострификациялашни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қиласи.”

13. 27-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи-олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатлар тан олинганда ва нострификация қилинганда (эквивалентлиги қайд этилганда) қўйидаги давлат намунасидаги гувоҳномалар расмийлаштирилади:

умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномани нострификациялаш тўғрисидаги давлат намунасидаги гувоҳнома( 3-иловага мувофик);

тўлиқсиз ўрта маҳсус, касб-хунар маълумот тўғрисидаги баҳолар табели ёки шаҳодатномани нострификациялаш тўғрисидаги давлат намунасидаги гувоҳнома (4-иловага мувофик) ;

ўрта маҳсус, касб-хунар маълумоти тўғрисидаги дипломини нострификациялаш тўғрисидаги давлат намунасидаги гувоҳнома (5-иловага мувофик);

олий маълумот (дипломли мутахассис, бакалавр ва магистр) даражасидаги дипломини нострификациялаш тўғрисидаги давлат намунасидаги гувоҳнома (6-иловага мувофик).”

14. 29-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“29. Ариза берувчининг хужжатларини кўриб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш муддати ариза қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак.

Таълим олганлик тўғрисидаги хужжат берган таълим муассасаси, маҳаллий ва хорижий ташкилотлардан аниқлаштирувчи хужжатларни олиш талаб этилган ҳолларда маҳсус экспертизадан ўтказиш муддати аниқлаштирувчи хужжатлар олинган кундан бошлаб ҳисобланади.”

15. 30-баннадаги “унинг топшириғига биноан керакли хужжатларга” сўзлари “нотариал тасдиқланган ишончномага” сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Қуидаги мазмундаги 2, 3, 4, 5 ва 6-иловалар билан тўлдирилсин: